



Хозир бу Афғонистонда 270 мингга якин аҳолига эга, унчалик катта бўлмаган шаҳар, лекин ўтмишда у Беруний, Гардизий, Фаррухий, Унсурий, Манучехрий фаолият олиб борган буюк давлатнинг пойтахти эди. Бу ерда буюк Фирдавси ўзининг "Шохнома" достонини Султон Махмуд Газнавийга тақдим этган.

Газнага қачон асос солингани номаълум. Милоддан аввалги VI асрда у Буюк Кир II томонидан форс империяси таркибига киритилган, шундан сўнг у Александр Македонский империясининг бир қисмига айланган. Милодий 7-асрга келиб Газна буддизмнинг асосий марказига айланди. 683 йилда у мусулмонлар томонидан забт этилди. Шаҳарнинг гуллаб-яшнаши X-XI асрларнинг охирига тўғри келади, у нафакат замонавий Афғонистон, Туркменистон, Покистон, Шарқий Эрон ва Хиндистон Ражастан ҳудудларини қамраб олган Газнавийлар империясининг пойтахти, балки минтақанинг савдо ва маданий маркази ҳам эди.

XI асрнинг биринчи ўн йилликларида Газна форс адабиётининг энг муҳим маркази эди. 998-1030 йилларда ҳукмронлик қилган Газнавийлик Султон Махмуд бу ерга олимлар, файласуфлар, шоирларни тўплаб, маданият ва санъатни ривожлантиришга интилди. Олим энциклопедист Абу Райхон Беруний, форс географи ва тарихчиси Абу Саид Ал-Гардизий, форс шоирлари Фарроҳи Систоний, Унсурий ва Манучехрий, Ибн Сино, файласуф ва олим Ал-Фаробий, тарихчи Абу Фадл Байҳақий – бу Махмуд Газнавий саройида порлаган айрим маданият арбобларининг номлари, ҳолос. Султоннинг буюртмаси билан Фирдавсий ўзининг улугвор "Шохнома" эпик асарини ёзди. Махмуд Газнавий Хинд юришидан ўзи билан қўплаб хинд меъморларини олиб келди. Газна саройлари, мадрасалари ва масжидлари, боғлари ва фавворалари билан Шарқнинг деярли барча шаҳарларидан устун келарди. Махмуд Газнавий шаҳарда сув таъминоти тизимини қурди, университет, кутубхона ва ноёб предметлар музейига асос солди.

XII аср ўрталарида Газна гурийлар томонидан босиб олинган, каттик вайрон қилинган ва ёқиб юборилган, 1221 йилда мўғуллар томонидан босиб олинган. 1401 йилда Амир Темурнинг набираси Муҳаммад ибн Жаҳонгир Газна ҳукмдори бўлди. 1504 йилда вилоят Бобур томонидан босиб олинди. Газна Эрон ҳукмдори Нодир Шох минтақага бостириб қиргунга қадар 1738 йилгача Мўғуллар назорати остида қолди. Нодир Шох вафотидан

кейин Газна Дурраний империясининг бир кисмига айланди.

Асрлар давомида шаҳар Кобулни эгаллашнинг энг муҳим калити сифатида таникли жойни эгаллаб келганлиги сабабли, сўнгги пайтларда унинг тақдири нотинч бўлиб келган. Биринчи инглиз-афгон уруши давомида 1939 йилда шаҳар Британия кўшинлари томонидан босиб олинди. 1990-йилларда Газнаининг иктисодий ва ҳарбий жihatдан стратегик мавқеи унинг тикланишини таъминлади, гарчи унинг аввалги улугворлиги бўлмаса ҳам. 2001 йилда Афғонистонга бостириб киргандан сўнг, америкаликлар бу ерда ҳарбий база курдилар.

Афсуски, Газни боскинчилар томонидан кайта-кайта вайрон килиниши унинг кадимий биноларининг факат кичик бир кисми сакланиб қолишига олиб келди. Уларнинг энг машҳури – Баҳромшоҳ масжидининг омон қолган ягона элементи - Газна минораси. Султон Рум Масуд III галабалари шарафига қурилган XII асрнинг иккита ёдгорлик минораси ҳам сакланиб қолган. Шаҳарда қўплаб буюк одамларнинг, шу жумладан Беруний ва Маҳмуд Газнавийнинг қабрлари мавжуд.

Абу Муслим тайёрлади